

моҳият, мақсадлар, оқибатлар ва олдини олиш йўллари. – Т.: Тошкент Ислам университети нашриёти, 2009. –Б. 117.

16. Сторожевая башня (журнал) // Материал из Википедии – свободной энциклопедии. [https://ru.wikipedia.org/wiki/Сторожевая_башня_\(журнал\)](https://ru.wikipedia.org/wiki/Сторожевая_башня_(журнал))


17. Ў.Ҳасанбоев. Ўзбекистонда давлат ва дин муносабатлари: диний ташкилотлар, оқимлар, мафкуравий курашнинг долзарб йўналишлари. –Т.: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2013. - Б. 83.

18. Чирков Н.В. Инкультурация христианства в контексте межкультурного и межрелигиозного диалога Римско-католической церкви. // Религия и культура. 2018. – С. 144-155.

19. <http://www.ccirussia.org/about/index.html> 13.08.2021

20. <https://globalrecordings.net/en/about> 14.07.2021

21. <https://iwpr.net/ru/global-voices/nischeta-v-tadzhikistane-na-ruku-neislamskim-religiozным-organizaciyam> 21.02.2005



Элёр АЛИМҚУЛОВ*

*Ўзбекистон ҳақаро ислом академияси,
таянч докторанти*

**ДИНИЙ-МИСТИК РАМЗЛАРНИ
ЎРГАНИШДАГИ КОНЦЕПТУАЛ
ЁНДАШУВЛАР**

**CONCEPTUAL APPROACHES IN THE
STUDY OF RELIGIOUS-MYSTICAL
SYMBOLS**

**КОНЦЕПТУАЛЬНЫЕ ПОДХОДЫ
В ИЗУЧЕНИИ РЕЛИГИОЗНО-
МИСТИЧЕСКИХ СИМВОЛОВ**

Калит сўзлар: символ, рамз, белги, тимсол, аломат, шаффоф, шаффоф бўлмаган рамзлар, ташқи (масодифий-вақтинчалик) ёки ихтиёрий рамзлар, ички ёки тавсифловчи рамзлар, тушиниши (бирон-бир нарсани англаш) рамзлари, рамзлар мажмуи (символизм).

Keywords: Symbol, character, sign, emblem, mark, transparent symbols, non-transparent symbols, external (random-temporary) or optional symbols, internal or descriptive symbols, symbols of understanding, a set of symbols (symbolism).

Ключевые слова: символ, знак, эмблема, метка, прозрачные, непрозрачные символы, внешние (случайные-временные) или произвольные символы, внутренние или описательные символы, символы познания (постижение чего-либо), набор символов (символика).

“Рамз” ва “рамзлар мажмуи” сўзлари, уларнинг ишлатилиши ва муомалада фойдаланилиши тўғрисида кўплаб соҳа олимлари, хусусан антропологлар, адабиётшунослар, психологлар, санъатшунослар, диншунослар, тарихчилар ва файласуфлар бир-бирига ўхшаш бўлмаган турли таърифларни берганлар. Ўзбек тилининг изоҳли

*E.Alimkulov – Doctoral student of the International Islamic Academy of Uzbekistan.

луғатида “символ” [26: 505] сўзи “рамз”, “белги”, “тимсол”, “аломат” каби маъноларни билдириб, аксарият ҳолларда илмий адабиётларда “символ” сўзининг муқобили сифатида “рамз” сўзи кенг фойдаланилади.

Америкалик олим Элмер Трусделл Меррилл ва янги зеландиялик этнолог Раймонд Фертнинг фикрига кўра, рамз сўзи (лотинча “Symbolom” [8: 433], “Symbolos” [20: 47], “Symbolum”, французча “Symbole”, инглизча “Symbol”) – луғавий жиҳатдан олам, мисол, тимсол, тамсил ва белги сингари маъноларни англатиб, истилоҳда эса сезги органлари билан ҳис қилиб бўлмайдиган, фақатгина табиий муносабатлар билан англашиладиган ва кўрсатиладиган ҳар қандай материал, буюм ва муайян бир белги ҳисобланади [21: XXVIII/417].

Америкалик файласуф ва ёзувчи Бенжамин Франклин Кимпел (Benjamin Franklin Kimpel) эса рамз сўзи хусусида шундан деган: “Рамз – бу ўзидан бошқа бир нарсанинг маъносига кўчган ёки уни тасвирлаган нарса ёхуд инсонлар томонидан ишланган бирор бир аломат ва белгидир” [6: 132; 13: 316; 9: 244].

Анқара университети профессори, доктор Садик Килич томонидан рамзга “Бу тушунарсиз нарсаларни ифодалаш шаклидир” [22: 56] деб таъриф берилган бўлса, АҚШ сиёсатчиси Уильям Бентон “Инсон тафаккурида кўзга ташланмайдиган баъзи нарсаларни, уларга нисбатан мутаносиб равишда, яъни кўринадиган тарзда тасвирлайдиган нарса ва буюмларга рамзлар дейилади”, деган фикрни илгари сурган [25: 701].

Анқара университети “Ижтимоий антропология” кафедраси профессори Белкис Темреннинг “Тасаввуф қарашларида демократия” (Tasavvuf Düşüncesinde Demokrasi)” номли китобида “Ҳиссиёт орқали сезиб бўлмайдиган нарсаларни идрок этиш мумкин бўлган ҳолатга олиб келувчи нарса ёки белгиларга рамз дейилади” [5: 88], деб таъриф берилган.

Турк файласуфи Мустафо Намик Жанкининг “Буюк фалсафа луғати” (Büyük Felsefe İugati) да идрок этилиши қийин бўлган ҳар қандай нарсани табиий йўл билан тушунтиришга ёрдам берувчи белгиларга, шунингдек, муҳим амаллар, эътиқодий қарашлар ва диний қонун-қоидаларга рамз ёки ишора деб аталиши қайд этилган [16: 277].

“Дин ва динлар энциклопедияси” (Encyclopedia of Religion and Religions)да “рамз”га баъзи билинмаган нарсаларни маълум қилувчи, кўзга кўринувчи белги ва аломат, деб таъриф берилган [7: 366].

Юқорида зикр этилган рамз ва белги тушунчасига берилган умумий таърифлардан ташқари, қуйида ҳар бир динда ўзининг ажралиб туриш воситаси, яъни муайян бир рамзи мавжудлиги, ушбу рамзлар орқали динлардаги турли анъанларнинг принципиал ғояларини кўрсатиб берилиши ва улардаги сирли фикр ҳамда эзотерикликнинг яширин маъноли рационал шарҳи мужассамлашгани қайд этилган.

“Рамз” атамаси христианлик тарихида диний эътиқод асосларининг расмий ифодаси сифатида фойдаланилган. Хусусан, христианлик динини қабул қилган инсоннинг чўқинтириш маросимида унга бағишлаб махсус “ўқиладиган дуо” мазкур диндаги рамзий ифодани англатгани сабабли, тарихда ушбу ҳолат “Ҳаворийларнинг рамзи” деб номланган [20: 47; 13: 316].

Рамз катта маданий муҳитда маълум бир туйғу, ҳаракат ёки муносабатни ўзида ифодалайдиган муҳим унсур, ифода, тизим, объект ва шахс маъносида ҳам қўлланилади. Ишора ёки белги маълум шакл ва унинг рамзи бўлган объект ўртасидаги табиий ўхшашликка асосланган тегишлилик фикрини ҳам ўзида ифодалайди. Бошқача қилиб айтганда, рамз – объектга ёки маънавий унсурга бириктирилган, ҳис қилиниши мумкин бўлган тасаввурлар ҳосиласидир [21: 417].

Объект ёки нарсаларни ифодаловчи рамз, диний ғоя ва ҳодисаларни тафаккур қилиш [8: 433] ва дунёда учратиш мумкин бўлмаган нарсаларни ифодалашда ҳам қўлланилади [10: 39].

Оғзаки нутққа қараганда кўпроқ аниқликни ифодалагани учун рамзлар асосида тасвирлаш (символик) тизими асосан, илмий соҳаларда қўлланилган. Маълумки, кундалик тилда ишлатиладиган сўзлар илмий рамзларга қараганда кенгрок маъноларни англатади [21: 417].

Математика, кимё ёки физикада мавжуд формулалар (формулалар ҳам рамз ҳисобланади) аниқ бир маънога эга. Қайси халқ ёйинки қайсидир маданиятга мансублигидан қатъи назар мазкур фанлардаги ўша формулалар битта маънони ифодалайди. Масалан, “Пи(π)” тимсолини кўрган ҳар бир киши бу 3,14 эканлиги, “Fe (Ф)” белгиси эса унинг кимёдаги темир моддасини ифодаловчи унсурлигини адашмасдан айта олади. Лекин, оғзаки нутқ айтилган муайян

Мазкур мақолада “символ”, “рамз”, “белги” ва “рамзлар мажмуи” сўзларининг луғавий ва истилоҳий маъноларини ёритиш билан бир қаторда, ушбу йўналишда илмий-тадқиқот олиб борган хорижлик олим ва мутахассислар томонидан рамз ва рамзлар мажмуига берилган турли хил таърифлар, уларнинг мазмун-моҳиятини очиб берувчи тадқиқот натижалари ҳам келтирилган.

Шунингдек, мақолада “рамз” ва “белгилар” мавзуси доирасидаги назариялар таҳлилидан ташқари уларнинг турларини таснифлашга ҳам эришилган. Хусусан, тилга оид рамзлар, фаолият – маросим рамзлари, табиат рамзлари, санъатдаги рамзлар каби таснифлар келтирилган.

Бундан ташқари, мақолда рамзларнинг вазифаларига ҳам тўхталиб ўтилган. Жумладан, рамзлар инсон ҳаёлида ифодаланган тасаввурни амалга оширишга ундайди. Масалан, христианлик динига эътиқод қилувчи шахс хоч белгисини бўйнига осиб олган вақтда, у бу белги билан Исо Масих чеккан азоб-уқубатни хотирлайди. Мана шу ҳолат ҳам рамзнинг асосий вазифаларидан бири саналади. Шу билан бирга, мақолада рамз ва белги ўртасидаги фарқлар ҳам очиб берилган. Шунингдек, рамзларнинг хусусиятлари ва улар англатадиган маъноларга ҳам эътибор қаратилган.

The article presents the description of the lexical and terminological meanings of the words “symbol”, “character”, “sign” and “set of symbols” as well as various definitions of the “symbol” and “set of symbols” given by foreign scholars and experts in this field and results of the research which reveal the essence of their content. In addition to the analysis of theories on the topic “symbols” and “signs”, the article also classifies their types. In particular, there are classifications such as language symbols, activity-ritual symbols, nature symbols, symbols in art.

The article also discusses the functions of the symbols. In particular, the symbols encourage the realization of the thought expressed in the human imagination. For example, when a Christian hangs a sign of the cross around his neck, with this sign, he remembers the torment that Jesus Christ suffered. This is one of the main functions of the symbol. However, the article also reveals the differences between the symbol and the sign. Attention is also paid to the features of the symbols and the meanings they represent.

В статье описаны лексические и терминологические значения слов «символ», «знак» и «набор символов», а также различные определения символа и набора символов, данные зарубежными учеными и экспертами в этой области. Также представлены результаты исследования, раскрывающие суть содержания.

Помимо анализа теорий на тему «символы» и «знаки», в статье также проводится классификация их типов. В частности, существуют такие классификации, как языковые символы, деятельностно-ритуальные символы, символы природы, символы в искусстве.

В статье также рассматриваются функции символов. В частности, символы поощряют реализацию воображения, выраженного в человеческом воображении. Например, когда христианин носит на шее знак креста, он вспоминает страдания, которые Иисус Христос перенес с этим знаком. Это одна из основных функций символа. Однако статья также раскрывает различия между символом и знаком. Также уделяется внимание свойствам символов и значениям, которые они представляют.

бирор бир сўз юқоридаги каби аниқликни ифода эта олмайди. Мисол тариқасида оддийгина “юз” сўзи бир тилда гаплашадиган инсонлар ўртасида ҳам турлича маънода тушунилади. Бир кишидан унинг маъноси сўралса, кимдир “чехра”, “бет”, “афт” маъносида, яна бошқа кимдир санок сондаги “100” маъносида ифодалайди. Аслида ушбу фикрларнинг барчаси тўғри. Агар биз “юз” сўзининг аниқ бир маъносини ифодалашни хоҳласак, унда маънони аниқлаштирувчи қўшимчалар билан бирга қўллашимиз лозим. Хусусан, оғзаки нутқда “инсоннинг юзи”, “юз раками” каби тарзда фойдаланиш даркор.

Рамзлар инсонлар онги ва тафаккурида муҳим ўрин эгаллайди. Мутахассислар томонидан тажриба сифатида ҳаттоки ҳайвонлар ҳам бир қанча белгиларга ўргатилмоқда ва улар

(ҳайвонлар) бу белгиларни кўрган онларидаёқ дарҳол тушунишмоқда [18: 34]. Масалан, ит ўзи ўргатилган кўнғироқ овозини эшитиши билан овқати тайёр бўлганлигини сезади.

Инсонларда ҳам ҳаётда шу каби ҳолатлар тез-тез учраб туради. Жумладан, инсонлар етти шохли шамдон (менора)ни кўрганида яҳудийликни, хочни кўрганида христианликни ва яримой белгисини кўрганида исломни тушунади, ҳеч бўлмаганда ушбу рамзлар мазкур уч динга тегишли эканини ҳаёлларидан ўтказди. Демак, бу белгилар мазкур динларда қандайдир маънога эга ва бу маъно эса уларни ушбу диннинг рамзига айлантурувчи воситадир. Динлардаги барча белгилар, динларнинг ривожланишида маълум бир босқич ёки маълум бир воқеадан сўнг содир бўлганини ҳам унутмаслик зарур.

Дин фалсафаси ва социологиясини ўрганган ғарбий германиялик олим Густав Меншинг (1901-1978) назариясига кўра, ҳар бир нарса рамз бўла олади, лекин ҳеч бир нарса ўзидан-ўзи бирор белги бўлиб қолмайди. Ҳар бир белгида иккита унсур мавжуд бўлиб, унинг биринчиси рамзийлаштирилган ёки рамз сифатида қабул қилинган модда деб олинса, иккинчиси мазкур моддани ифодалаган маънавий ҳақиқат ҳисобланади. Бу икки унсурдан вужудга келган рамз, ҳаётнинг ҳар бир соҳасига тегишли бўлиши мумкин. Шунингдек, Меншинг ҳар қандай рамз ўзида маълум бир ҳақиқатни ифодалаши ва ўша рамзни ўзи ифода этган ҳақиқат билан аралаштирмасликни таъкидлаган [4: 68]. Агар юқоридаги икки унсурга эътибор берилмаса, рамз ўз моҳиятини йўқотиши ва ўзи ифодалаган ҳақиқат ҳам сир бўлиб қолиб кетиши кўриниб турибди.

Франкфуртлик психолог Алвоҳнга (Dr. Allwohn'a) кўра, рамзнинг асосини афсонавий қарашлар пайдо қилади. Рамз муқаддас ҳақиқатни моддий жиҳатдан ифодалашдан узоқдир. Муайян бир белги ва у ифода қилган ҳақиқат орасида ақлга сиғдириб бўлмайдиган ғайри мантиқий муносабатлар мавжуд. Ҳақиқий рамз кўринмайдиган бир ҳақиқатни англаб етадиган ҳолатда ифодалаб, қалб тубини ва онг ости соҳаларини ҳайратда қолдирадиган, кўплаб ғоя ҳамда ҳис-туйғуларни уйғотадиган даражада кучли бўлади. Рамзда муқаддас ҳақиқат мавжудлиги сабабли, муқаддасликнинг икки кўриниши: улугворлик, кўрқув туйғусини уйғотадиган “жалоли ва ҳайрати” ҳамда завқ бағишлайдиган “жамоли”ни ўз ичига олади [4: 70].

Рамз ва белгилар мавзусидаги назарияларни ўрганиш асносида, рамзлар турларини таснифлашга ҳам дуч келинди. Қуйида ушбу мавзу доирасида рамзлар 4 та гуруҳга ажратилган (таснифланган) ҳолда кўриб чиқилади.

Биринчи гуруҳ рамзларини ўзлари ифодалаган нарсаларга мувофиқлиги жиҳатидан икки турга бўлиш мумкин:

а) шаффоф ёки ўзида яширинган маъно аниқ кўриниб турадиган рамзлар. Бу тоифага ҳар қандай нарса, буюм ёки бирор бир шаклни бошқа тил ёки атамалар билан очиқ ҳолда бемалол ифодалайдиган тарзда ишланган рамзларни киритиш мумкин. Бу турдаги белги ва ишоралар бошқа рамзларнинг ўрнида ҳам қўллана олиш хусусиятига эга ҳисобланади.

б) шаффоф бўлмаган ёки ўзида яширин бўлган маънони кўриб бўлмайдиган рамзлар.

Барча динларда дунёни ва ундаги жамийки нарсаларни, хусусан мавжудот-у набодотларни яратган улуг бир яратувчи Илоҳ ҳақида ишлатиладиган ҳар қандай рамзий ифода ва таърифларни ушбу гуруҳга киритиш жоиз. Баъзи рамзлар ва уларнинг ҳақиқий маънолари орасидаги муносабат шу қадар яқинки, бу белгиларнинг ўрнига бошқа рамзни ишлатиш имконсиз. Христианликдаги Ота-Худо тушунчаси мазкур турдаги рамзларга яққол мисол бўла олади [9: 227-228; 4: 73; 24: 95-96].

Иккинчи гуруҳ рамзлари Ел (Yale University) университети профессори Волтер Маршалл Урбан томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, у уч гуруҳга ажратилган:

а) ташқи (тасодифий-вақтинчалик) ёки ихтиёрий рамзлар:

Мазкур тур рамзларига илм-фандаги белгилар киритилган.

б) ички ёки тавсифловчи рамзлар:

Ушбу гуруҳ рамзларида дин ва санъатдаги тимсоллар ўрин олган.

в) тушиниш (бирон-бир нарсани англаш) рамзлари:

Тушуниш ва англаш рамзлари ўз маъносидан келиб чиққан аслий белгиларнинг субгенуси (бир нарсадан келиб чиққан иккинчи даражадаги нарса)дир ва уларни тушунишда ёрдам берувчи восита ҳамдир. Бу тоифага шеърият ва диндаги баъзи сўзлар мисол бўла олади [4: 73].

Учинчи гуруҳдаги рамзлар ҳам уч турга ажратилади:

а) нақш ёки қолип рамзлар бўлиб, бунга шеъриятда ишлатиладиган қолип ва ўхшатишлар киради [3: 373].

б) анъанавий рамзлар:

Анъанавий рамзлар – бу рамз ҳамда рамзийлаштирилган нарса ўртасида бирор бир ўхшашлик ёки эслатма сифатлари мавжуд бўлмаган, фақат анъанавий муносабатларга таянган белгилар ҳисобланади. Масалан, бир давлатнинг байроғи ўша давлатнинг тимсолини, хоч, яримой, пайғамбарлардан Сулаймон (а.с.) нинг муҳри, Довуд (а.с.)нинг қалқони сингари белгилар муайян бир дин ёки диний жамоани ўша динга мансублигини билдирадиган рамзий ифода, шунингдек, ногиронлар аравачасининг сурати ногиронлиги бўлган шахсларни, уларга яратилган қандайдир имкониятлар маъносини англатади [15: 49].

в) Асосий рамзлар:

Асосий рамзлар дейилганда коинотнинг илк даврларидаги турли босқичлар ва тасвирларнинг инсонда акс этиши тушунилади. Оламнинг чексизлиги инсонни қамраб олиб, унда ҳайрат ва қизиқиш ҳиссини уйғотади. Аммо, инсоннинг ақлий билими уни тўлиқ англашга етмайди. Бундан ташқари, олам чексизлигининг баъзи жиҳатларига инсон табиатининг бир қисми сифатида қаралади. Бу ҳолат оламни бор қилиб турган яратувчи принципининг инсонга ўхшаши сифатида мавжуддир. Бу унинг бутун коинотга яқинлигини англатади [15: 95].

Охирги тўртинчи гуруҳга кўра, рамзлар 4 турга бўлинади:

а) тил рамзи:

Тил рамзини деярли барча халқларда учрайдиган энг содда шаклда, сўз ва товушлар кўринишида учратиш мумкин. Хусусан, Ҳиндистонда “Аум ёки Ом” сўзи, тариқатларда қўлланиладиган “ху” сўзи ҳам ушбу эски сўзлар таркибига киради. Динларда ишлатиладиган ҳар қандай тушунча моҳиятан рамз саналади. Рамз деганда бир вақтнинг ўзида инсон томонидан яратилган ва моддий оламга тегишли бўлган нарса мажмуи ҳам тушунилади. Инсон доимо бирор бир рамз орқали соф маънавий ҳақиқатни ифодалашга ҳаракат қилади.

Тил рамзларининг яна бир тури – бу динлардаги ақидалар бўлиб, қадимги христиан черковларида диний ҳақиқатларни ифодалашга уринган ақидаларга “Symbolon” ёки “Sembol” дейилган, шу йўл билан уларнинг ўтиб бўлмас сирларига ишора қилинган.

б) Фаолият – маросим рамзлари:

Тил рамзлари билан бир қаторда фаолият ёки маросим рамзлари ҳам мавжуд бўлиб, улар динлардаги анъана ва маросимларни бажаришда илоҳий ҳақиқатни ифодалаш учун диндорлар орасида кенг фойдаланилади. Диний маросимлар ҳар бир диннинг ўзида мужассам бўлган муқаддас амалларни бажариш мажмуи ҳисобланади. Шунингдек, динларнинг муқаддас манбаларида келтирилган сирли ҳақиқатларни ўқиш ёки такрорлаш, уларнинг ўтмишида содир бўлган воқеаларни бугунги ҳаётда қўллаш орқали ҳам турли рамзлар эсга олинади.

с) Табиат рамзлари:

Инсон табиат рамзларини яратмайди, балки у Аллоҳ томонидан яратилган табиатнинг барча неъматларидаги рамз ва белгиларни кўра олади холос. Ушбу рамзлар сирасига қуёш, ой, юлдуз,

ер, сув, ҳайвонлар, ўсимликлар, тоғлар ва бошқа жамики мавжудотлар киради.

д) Санъатдаги рамзлар:

Улар санъатнинг барча соҳаларида ишлатиладиган рамзлар бўлиб, ушбу рамзлар башарият ижодининг асосий маҳсули ҳисобланади [4: 68].

Рамзнинг пайдо бўлиш тарихига назар солинса, унинг қўлланилиши иккита тарихий жараёни ўз ичига олади. Биринчиси, рамз аниқ бир тарихий вазият ичида шаклланган бўлиб, у ифодалаган маъно ушбу тарихий ҳодисадан сўнг муҳим аҳамият касб эта бошлаган. Бу ҳодиса содир этилишидан олдин ҳам символлашган нарса мавжуд бўлган, лекин, у рамзда акс этганидек аниқ маънога эга [14: 208]. Масалан, христианлик ақидасига кўра, Исо Масихни хочга миҳлашдан олдин ҳам хоч бор эди, аммо ўша вақтда у христианлар учун аҳамиятга эга эмасди. Исо Масих хочга миҳландан сўнг, хоч христианлар учун муқаддас рамзга айланди.

Шунингдек, “рамз” тарихий ҳодиса юз бермасидан аввал мавжуд бўлмаса-да, содир бўлган ўша ҳодиса вақтида рамз сифатида пайдо бўлади, деган назария бор [14: 208]. Бунга мисол тариқасида, христианликдаги Евхаристия маросимидаги шароб ва ноннинг Исо Масих қони ва танасига айланиш ҳодисасини келтириш мумкин. Илгари бўлмаган бу маросим Исо Масихнинг ҳаворийлари билан бирга охирги кечки овқатланиши жараёнида юзага келган ва бу христианлар учун рамзга айланган.

Рамзнинг иккинчи тарихий маъноси шуки, рамз аниқ бир маданий марказда пайдо бўлган ҳамда бошқа маданиятларга ҳам айна шу марказ орқали тарқалган. Шу сабабли, ушбу рамзни ҳамма жойда алоҳида тарзда шаклланган дейиш нотўғри.

Кўплаб рамзлар аниқ бир тарихий воқеа билан боғлиқ тарзда вужудга келган. Хусусан, “етти сони”, космик дарахтнинг “етти шохи” тасвири, “етти қават осмон” ёки “етти сайёра”нинг кашф этилишидан олдин инсон тафаккурида маълум бир символик ҳолатида бўлмаган. Ушбу жараёнлардан сўнг “етти” рақами рамзий маънога эга бўла бошлади. Аксарият рамзлар айниқса, уларга ижтимоий-сиёсий ва минтақавий вазиятларнинг қўшилиши билан тўлиқ тарихий аҳамият касб этди. Бунга мисол тариқасида подшолик ва матриархатдаги рамзларни келтириш кифоя [14: 208].

Юқорида келтирилган маълумотларда рамзларнинг келиб чиқиш тарихи билан боғлиқ жарёнлар илмий хужжатлар асосида ўрганилганини кўриш мумкин. Шунинг ҳам таъкидлаш жоизки, рамзлар қишлоқ хўжалиги, давлат бошқаруви, дин ва жамият каби соҳалар билан боғлиқдир. Улар бошқа маданият унсурлари орқали кенг тарқалганлиги эҳтимолдан холи эмас.

Агар кўпгина рамзларга дунёвий нуқтаи назар билан қаралса, ушбу рамзлар дунёнинг жамийки борлигидан ёки оламнинг тузилиш ҳолатидан келиб чиққанлигига гувоҳ бўлинади [14: 209-210]. Яъни кун, тун, сувлар, осмон, юлдузлар, фасллар, ўсимликлар, ердаги тартиб, уйғунлик, ҳайвонот дунёси, инсонлар ҳаётида кузатиш мумкин бўлган ҳиссий туйғулар сингари ҳолатларнинг кўплиги рамзларнинг ҳам меъёридан ортиқ мавжудлигига асосий сабаблардан ҳисобланади.

Архаик рамзлар сирасига ўлим, шахвонийлик, қабрдан кейинги ҳаёт ҳамда орзу-умид каби тушунчаларни ўзида ифодаладиган муайян белгилар қиради. Бу рамзлар юксак маданиятли кўчманчи халқлар олиб келган ўхшаш белгилар таъсири билан бошқача кўриниш ҳосил қилган бўлиши мумкин.

Рамзнинг вазифаси шундаки, агар рамзни космологик нуқтаи назардан инсон шаклига ўхшатсак, инсон тузилиши ва космик тузилиш ўртасидаги ўзаро боғлиқликда кўринади.

Рамзлар инсон ҳаёлида ифодаланган тасаввурни амалга оширишга ундайди. Масалан, христианлик динига эътиқод қилувчи шахс хоч белгисини бўйнига осиб олган вақтда, у бу белги билан Исо Масих чеккан азоб-укубатни хотирлайди. Мана шу ҳолат ҳам рамзнинг асосий вазифаларидан бири саналади.

Рамз сифатида тасаввур қилинган нарса шахс ёки халқларнинг урф-одатлари ва ғояларини ўзида акс эттириш қувватига эга. Инсон ўзининг ҳаёт тарзида фойдаланилаётган бирор рамзи ёрдамида ўзи билмаган ҳолатда ушбу белгига қарама-қарши бўлган эски урф-одатларини ўзгартириб юборади.

Ўрта асрларда катта черков ва соборлар қурилишидаги меъморчилик услублари, бунёд этилаётган иншоотларнинг ички безаклари тез суратда ривожлана бошлади. Уларнинг бу хусусиятлари диний рамзлардан фойдаланиш натижасида вужудга келди. Ўша давр усталари христианликдаги учлик ақидасига уйғун тарзда черковларни қуришган ва безашган. Ибодатхоналарнинг бунёд этилишида ишлатилган

бу каби рамзлар фаол ва шакл берувчи функцияни бажарган [4: 67-68].

Инсон рамзлар ёрдамида ўзи тасаввур қилган ҳаётни ярата олади. Шундан келиб чиқиб, рамз бирор объект орқали илдизлари орамизда мавжуд бўлган мавҳум маънавий ҳақиқат асосларига бизни яқинлаштиради. Яъни, ҳақиқатни англаш учун у кўприк вазифасини бажаради.

Рамзлар ёрдамида инсонлар орасида умумий тил шаклланиб бормоқда. Объектлар оламига рамзлар ёрдамида қаралса, улар фикрлаш учун янги уфқлар очаетганини кўриш мумкин. Шунингдек, улар бошланиш нуқтаси жуда узокда бўлган ҳақиқатни кўзларимиз ёнига олиб келиб, бизнинг фикрлаш доирамиздан ташқаридаги сирли ҳамда яширин нарсаларни сезги ва идрок олашимизга олиб кирмоқда [22: 57-58].

Рамз ва белги ўртасидаги фарқ ҳамда рамзнинг хусусиятлари. Баъзан рамз атамаси белги сўзига синоним сифатида қабул қилинсада, филологик жиҳатдан улар бир-биридан фарқлидир. Рамзда “ишора қилган” ва “ишора қилинган” ўртасида фақатгина аналогик ўхшашлик мавжуд. Демак, “ишора қилган” ва “ишора қилинган” бир-бирининг ўрнини мутлақ маънода боса олмайди [4: 68; 22: 56]. Юқорида таъкидлангани каби, рамзлар масаласига жиддий эътибор берилмаса, рамз ўз моҳиятини йўқотади ва ўзи ифодалаган ҳақиқат ҳам сир бўлиб қолиб кетади.

Рамз ва белгини бир-биридан фарқлашда, белги ўзидан бошқа яна бир маънони англашишини унутмаслик даркор. Масалан, йўл ҳаракати белгилари транспорт воситалари ва пиёдаларнинг қаерда, қачон ва қандай қилиб ҳаракатланиши лозимлигини кўрсатади. Аслида светафорнинг қизил чироғи билан автоулов ва пиёдаларнинг тўхташи ўртасида ҳеч қандай боғлиқлик йўқ. Бу тур маънолар миллий ёки халқаро келишувлар орқали ишлаб чиқилади. Шу сабабли уларни ўзимизнинг мақсад ва келишувларимизга мос равишда ўзгартиришимиз мумкин.

Рамзлар эса ўзлари ифода этган нарса билан доимо боғлиқ бўлади. Шунинг учун уларни истаклар хоҳиши билан ўзгартириш осон эмас [17: 136; 12: 42]. Белги ва унинг объекти ўртасидаги муносабат жуда оддий, рамз эса чуқур фикр ҳамда тафаккурни талаб қилади [23: 57-63]. Шу сабабли, рамз мавқе жиҳатдан бирор бир белги, товуш, имо-ишора ёки тасвирдан ҳам юқорироқ поғонада туради [19: 149]. Бошқача қилиб айтганда, оддий белгида учта унсур: субъект, белги ва объект мавжуд бўлса, рамзда тўртта унсур: субъект, рамз,

тасаввур ва объект мавжуддир. Шунинг учун рамзларга сохта ёки шунчаки пайдо бўлган нарса сифатида қараш тўғри эмас.

Рамзларда ҳақиқатнинг бизга қоронғу томонларини очиб бериш хусусияти ҳам мавжуд. Чунки, рамз ҳаёт ва табиатдагидан кўра кўп нарсаларни ўзида ифодалайди. Санъат ва адабиётда учрайдиган рамзий ифодалар, ҳақиқатнинг бошқача йўллар билан эришиб бўлмайдиган жиҳатларини очишда бизга ёрдам беради [17: 137]. Шунингдек, рамз ҳақиқатнинг ушбу жиҳатлари орқали руҳимиз қабул эта оладиган бошқа хусусиятларни ҳам очиб беради. Бу ҳолат рамзнинг руҳий олам томонидан бунёд этилганини кўрсатади. Шу сабабли рамзлар орқали биз ўзимизни кашф этамиз.

Рамзларнинг яна бир хусусияти истак ва хоҳишлар билан вужудга келмаслигидадир. Рамзлар шахс ва жамият орасида сезилмаган ҳолатда вужудга келади ва буни вужудимизнинг онг ости қисми қабул қилмасдан улар бирор бир вазифани бажара олмайди [17: 139]. Хусусан ижтимоий вазифага эга рамзлар маълум бир жамиятда ҳаттоки ушбу жамият аъзолари пайқаманган ҳолда пайдо бўлади. Қизиқтирган нарсага бўлган қизиқиш ва эътиборимиз маълум бир жамият ёки маданиятда ўз ўзидан содир бўлади. Рамзлар инсонларнинг орзу-истаклари ёки буюртмалари орқали вужудга келмайди. Улар ўзига мос муҳитда жонли мавжудотлар сингари пайдо бўлади. Аммо, муҳит ўзгариб, унда ўзининг ўхшашини тополмагач у ўлик ҳолатга тушади. Шу сабабли, рамзларни ҳар доим ҳам яроқли деб бўлмайди [24: 92-95]. Яъни пайдо бўлган ҳар бир рамз яроқлилиқ сифатига эга бўлади, лекин, у ҳар доим шу сифатини давом эттиради дейиш қийин. Рамзнинг яроқлилиги ўзининг вужудга келган муҳитидаги вазифасига ва у муҳит, у жамиятнинг рамзга берган аҳамиятига боғлиқ. Жамиятда ўз вазифасини бажаришдан тўхтаган ва бу жамиятда ўз ўхшашини топа олмаган рамзлар яроқлилиқ хусусиятини йўқотиб, йўқ бўлиб кетиш ҳукмига ҳам маҳкум қилинганини кўриш мумкин.

Рамзлар мажмуи (символизм)нинг таърифи. Рамзлар мажмуи (нем. Symbolismus, фр. Symbolisme, инг. Symbolism) луғатда тимсоллашиш, рамзлашиш, тасвири румуз [21: 420], бир нарсани символ орқали тушуниш ёки тушунтириш, шунингдек, ҳиссиётга рамзий вазифа бериш [1: 3495] маъноларини англатади. Бошқа бир таърифга кўра, рамзлар мажмуи – бу

рамзлар ёрдамида тушуниш ёки тушунтириш усули, ҳодисаларни шарҳловчи ва эътиқодларни тилга келтирувчи белгилар тизимидир [5: 88; 21: 420]. Инсон руҳи фақат рамзларнигина танишини қабул қилувчи ақида ҳам мавжуд бўлиб, у рамзлар мажмуи (символизм) номи билан аталади. Инсон руҳи ўзининг табиий хусусиятларига эга бўлиб, у ўзида мужассам этган ҳақиқатни символлаштиради. Баъзан эса рамзларни ҳақиқатга айлантиради. Шу сабабли ҳам инсон “символлаштирувчи борлиқ” сифатида таърифланади.

Диний рамзлар мажмуи билан бир қаторда, илмий рамзлар мажмуи ҳам мавжуд. Шунингдек, тил ҳам фикрларнинг ижтимоий унсурларини ифодалагани учун бир товушли символизм ҳисобланади. Илм-фан ҳам ўзига яраша рамзий маънога эга бўлиб, у маълум миқдорда ўзига хос мустақил маъно касб этади. Илмни ташкил этувчи ақлий рамзлар мажмуи санъатдаги ҳиссиёт билан боғлиқ унсурларни йўқ қилади. Чунки, илмий символизмда эстетика ва ҳисларга эътибор берилмайди. Ҳиссиёт инсонларга қараб ўзгариб туради, илм эса аниқликни талаб қилади.

Илмий адабиётларда рамзлар мажмуи мавҳум ва социологик нуқтаи назардан иккига бўлиниши қайд этилган.

Диний рамзлар мажмуи диний ҳаракат ва диний ҳис-туйғулар билан ҳам боғлиқдир [10: 22]. Инсонлар диний урф-одат ва маросимларидан келиб чиққан ҳолда, ибодатларини амалга ошириш мақсадида диний рамзларни қўллашади [10: 39]. Динда рамз инсоний ва кундалик ҳаёт ташқарисидаги нарсаларга нисбатан қўлланилади [13: 316].

Диний рамзлар тушунилиши мураккаб бўлган ҳақиқатларни бошқача йўллар орқали аниқлашга хизмат қилади. Шунингдек, диний рамзлар баъзи ҳодисаларни маълум бир шаклга солиш орқали вужудга келтирилади. Ушбу шаклларга назар солганда эса ўзида ифодаланган ҳодисани эслашимизга ёрдам беради [11: 753-754].

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, рамзлар инсон тафаккури ва хулқ-атворида катта ўрин тутаяди. Динларда уларнинг ўрнини боса оладиган ўзга нарса йўқ, уларнинг воситасида бошқача йўл билан тасаввур қилиб бўлмайдиган нарсалар тасаввур қилинади. Диний рамзларнинг ўзига хослиги уларнинг одатий кундалик ҳаётдан ажралиб турадиган қандайдир муқаддас, эзгу қадрият билан боғлиқлигида намоён бўлади. Диний рамз тизимларининг таянч элементлари

ритуал ҳолатлар ва ривоятлар бўлиб, улар асосида динлардаги турмуш тарзи, яъни дунёқараш, жамият томонидан қабул қилинган қонун-қондалар, кадриятлар ва меъёрлар, умуман, диний этник бирликларнинг барча турдаги концепцияси тараққий этади. Жамиятнинг ривожланиши натижасида турли маданият ва динларнинг тараққий этиши ҳисобига рамзларнинг аҳамияти ҳам тобора ортиб бормоқда. Шунингдек, вақт ўтиши билан бирор бир рамз бошқа бир маъно касб этиши мумкин. Масалан, муайян бир рамз бугун тинчлик ва эзгулик ғояларини ифодалаган бўлса, бир неча йил ўтганидан сўнг халқларнинг маданиятидан бағамом ўчириб ташланиши ёки қораланиши мумкин. Шунини қайд этиб ўтиш керакки, бир рамзнинг ўзи турли динларда қарама-қарши мазмунларга ҳам эга бўлиши мумкин.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Yeni Türk Ansiklopedisi. "Sembolizm". (1-XII).
2. Grolier Universal Encyclopedia. "Symbol". – New York, 1971.
3. Ahmet Saim Arıtan. Sembol ve sembolizm. – Konya: Selçuküniversiteti, 1997.
4. Annemarie Schimmel. Dinde Sembolün Fonksiyonu Nedir? // A.Ü. İlahiyat Fakültesi Dergisi. – Ankara, 1954.
5. Belkis Temren. Tasavvuf Düşüncesinde Demokrasi. – Ankara, 1995.
6. Benjamin Franklin Kimpel. The Symbols of Religious Faith. – New York, 1954.
7. E. Royston Pike. "Symbol" // Encyclopedia of Religion and Religions. – London, 1951.
8. E.T. Merrill. Symbols, Religious // A Dictionary of Religion and Ethics, (Editor: Shailer Mathews-Gerald Birney Smith). – London, 1921.
9. Edwyn Bevan. Symbolism and Belief. – London-Glasgow, 1962.
10. Evelyn Underhill. Worship. London, Nisbet and Co. 1937.
11. Henry Nelson Wieman. "Symbol and Symbolism" // An Encyclopedia of Religion, (Editor: Vergilius Ferm). – New Jersey, 1959.
12. Jacques Waardenburge. Symbolic Aspect of Myth, Myth Symbol and Reality, (Editor: A.M. Olson). – Notre Dame-London, 1980.
13. John R. Hinnells. "Symbol" // The Penguin Dictionary of Religions. – England, 1984.
14. Mircea Eliade. Mephistopheles and The Androgyne Studies in Religious Mthy and Symbol, (Translated: J. M. Cohen). – New York, 1965.
15. Montgomery Watt. Günümüzde İslam ve Hıristiyanlık, (Tercüme: Turan Koç). – İstanbul: İz Yayıncılık, 1991.
16. Mustafa Namık Çankı. "Sembol" maddesi // Büyük Felsefe İugatı (I-III). – İstanbul, 1958.
17. Paul Tillich. Symbols of Faith, Religious Language and The Problem of Religious Knowledge, (Editor: R. E. Santoni). – Bloomington-London, 1968.
18. Prynce Hopkins. The Social Psychology of Religious Experience. – New York, 1962.
19. Ralph Monroe Eaton. Symbolism and Truth: An Introduction to the Theory of Knowledge. – New York, 1925.
20. Raymond William Firth. Symbols Public and Private. – London, 1973.
21. Rıza Kardaş Senbol // Türk Ansiklopedisi (1-XXXIII). – Ankara: Milli Eğitim Basımevi, 1980.
22. Sadık Kılıç. İslam'da Sembolik Dil. – İstanbul. İnsan Yayınları, 1995.
23. Susanne K. Langer. Philosophy in a New Key: A Study in the Symbolism of Reason, Rite and Art. – Massachusetts, 1963.
24. Turan Koç. Din Dili. – Kayseri: Rey Yayıncılık, 1995.
25. William Benton. "Symbol" // Encyclopedia Britannica (I-XXIII). – Chicago-London, 1965.
26. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. А.Мадвалиев тахрири остида. – Тошкент: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" давлат илмий нашриёти, 2006-2008.

